



БАРҚАРОР ТУРИЗМ МОДЕЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА: ЎЗБЕКИСТОН УЧУН САБОҚЛАР

Толипова Махлиё Қобил қизи

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириши илмий-тадқиқот институти (PhD) докторанти

ORCID: 0009-0001-6551-5545

E-mail: salomstudent1@gmail.com

INTERNATIONAL EXPERIENCE IN IMPLEMENTING SUSTAINABLE TOURISM MODELS: LESSONS FOR UZBEKISTAN

Tolipova Makhliyo Qobil qizi

PhD student at the Scientific Research Institute of Tourism Development under the Tourism Committee of the Republic of Uzbekistan

ORCID: 0009-0001-6551-5545

E-mail: salomstudent1@gmail.com

JEL Classification: C1, C12, L1

Аннотация. Ушбу мақолада Европа, Осиё ва Скандинавия мамлакатларининг барқарор туризмни ривожлантириши бўйича тажрибаси ўрганилган. Европа Иттифоқида экологик стандартлар ва давлат сиёсати асосида шакланган қатъий модел таҳлил қилинган, бироқ оммавий туризм оқими билан боғлиқ муаммолар аниқланган. Осиёда инфратузилмани ривожлантириши ва халқаро инвестицияларни жалб этиши масалалари ўрганилган. Скандинавия мамлакатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиши ва маҳаллий аҳолини жараёнга жалб этиши тажрибаси таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида ҳар бир моделнинг кучли ва заиф томонлари аниқланган ҳамда уларнинг Ўзбекистон шароитида жорий этиши имкониятлари баҳоланган. Экологик стандартларни татбиқ этиши, инфратузилмани такомиллаштириши ва маҳаллий аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш муҳим эканлиги кўрсатилган. Ўрганилган тажрибалар асосида Ўзбекистон учун

барқарор туризмни ривожлантириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: барқарор туризм, инфратузилма, овертуризм, экологик мувозанат, халқаро барқарорлик мезонлари, қайта тикланувчи энергия, экотуризм, халқаро инвестициялар

Abstract. This article examines the experience of European, Asian, and Scandinavian countries in developing sustainable tourism. The strict model formed in the European Union based on environmental standards and state policies has been analyzed, but issues related to mass tourism flows have been identified. In Asia, the challenges of developing infrastructure and attracting international investments have been studied. The experience of Scandinavian countries in efficiently utilizing renewable energy sources and engaging local communities in the process has been analyzed. As a result of the research, the strengths and weaknesses of each model have been identified, and their applicability in the context of Uzbekistan has been assessed. The importance of implementing environmental

standards, improving infrastructure, and ensuring active participation of the local population has been highlighted. Based on the studied experiences, recommendations have been developed for the sustainable development of tourism in Uzbekistan.

Keywords: *sustainable tourism, infrastructure, overtourism, ecological balance, international sustainability criteria, renewable energy, ecotourism, international investments*

КИРИШ

Замонавий туризм жаҳон миқёсида иқтисодий ўсишнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бироқ сўнгги йилларда глобал инқирозлар, экологик муаммолар ва барқарор ривожланиш зарурати туризм соҳасини жиддий синовларга дучор қилди. Айниқса, COVID-19 пандемияси туризмнинг дунё миқёсидаги аҳамиятини ва унинг иқтисодий таъсирини янада аниқроқ кўрсатди. Бутун дунё бўйлаб халқаро саёҳатларга чекловлар киритилиши, сайёҳлик оқимининг кескин пасайиши ва меҳмондўстлик индустриясидаги иқтисодий беқарорлик ушбу соҳани янада барқарор бошқариш зарурлигини кўрсатди.

Барқарор туризм нафақат иқтисодий самарадорликни ошириш, балки экологик муҳофаза, маданий меросни сақлаш ва маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва Жаҳон Туризм Ташкилоти (UN Tourism) томонидан барқарор туризм концепцияси қўллаб-қувватланиб, у туристик фаолиятнинг табиий ва маданий муҳитга минимал салбий таъсир кўрсатиши, шу билан бирга маҳаллий жамоаларга ижтимоий-иқтисодий фойда келтиришини таъминлашга қаратилган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда туризмни барқарор ривожлантириш бўйича самарали моделлар

ишлаб чиқилган. Масалан, Европада экотуризм ва “яшил меҳмонхоналар” концепцияси кенг жорий этилмоқда [14]. Скандинавия давлатлари табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган инновацион туристик ечимларни татбиқ этмоқда [12]. Осиёда эса маданий меросни асраб-авайлашга асосланган барқарор туризм лойиҳалари амалга оширилмоқда [19]. Ушбу моделларни таҳлил қилиш ва улардан самарали хулосалар чиқариш Ўзбекистон учун муҳим сабоқлар беради.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОД

Ушбу тадқиқотда Европа, Скандинавия ва Осиё мамлакатларида барқарор туризм моделларини жорий этиш бўйича халқаро тажриба ўрганилди. Тадқиқот жараёнида иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлик тамойиллари таҳлил қилинди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсати, молиявий механизмлар, технологик инновациялар ва жамоатчилик иштирокини қамраб олган ҳолда туризмни ривожлантириш стратегиялари ўрганилди.

Барқарор туризмнинг халқаро амалиёти кенг тадқиқот объектларидан бири бўлиб, ҳар бир ҳудуд унинг ривожланиши учун ўзига хос йўللари танлаган. Европа Иттифоқи Европа қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (EAFRD) ва Европа минтақавий ривожланиш жамғармаси (ERDF) орқали туризмда барқарор ривожланишни молиялаштиришни йўлга қўйган [25]. Шунингдек, инклюзив туризм сиёсати асосида ногиронлар, кексалар ва махсус эҳтиёжга эга шахслар учун қулай туристик инфратузилма яратишга эътибор қаратилган [13]. Бироқ, айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Европа барқарор туризм моделлари баъзи ҳудудларда иқтисодий самарадорликни таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, мавсумийлик

муаммоси ҳали ҳам ҳал этилмаган [23]. Бизнингча, бу муаммо Ўзбекистон учун ҳам долзарб, айниқса, Бухоро, Хива ва Самарқанд каби тарихий шаҳарларда туристик оқимни барқарорлаштириш масаласида.

Скандинавия давлатларида барқарор туризм маҳаллий жамоалар иштирокида режалаштирилади, бу эса унинг ижтимоий барқарорлигини оширади [5]. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, карбон изини камайтириш ва табиатни муҳофаза қилиш устувор аҳамият касб этади [6]. Аммо, айрим тадқиқотларда таъкидланишича, бу модел юқори харажатлар талаб қилади ва барча мамлакатлар уни тўлиқ ўзлаштириши кийин бўлиши мумкин [4]. Бизнингча, Скандинавия моделининг айрим элементларини, масалан, маҳаллий жамоатларнинг туризмни бошқаришдаги ролини кучайтиришни Ўзбекистонда қўллаш мумкин.

Осиёда барқарор туризм асосан молиявий глобализация ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ривожланмоқда. Масалан, халқаро стандартларини жорий этиш натижасида Осиё-Тинч океани минтақасига чет эллик инвесторларнинг ишончи ортаётгани кузатилмоқда [1]. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия истеъмолини ошириш мақсадида янги молиявий механизмлар жорий этилмоқда [11]. Бироқ, молиявий глобализация сустлашиши, хорижий инвестиция оқимининг камайиши туризм ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, бизнингча, Ўзбекистон ички инвестиция манбаларини кучайтириш орқали барқарор туризмни қўллаб-қувватлаши лозим.

МУНОЗАРА.

Туризмнинг барқарор ривожланиши ҳозирги глобал иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан,

биз ривожланган мамлакатлар тажрибаларини, яъни Европада, Осиёда ва Скандинавияда жорий этилган барқарор туризм моделларини таҳлил қилишга қаратдик. Ҳар бир минтақа ўзига хос ёндашувлар ва муаммоларга эга.

Европа, асосан, барқарор ривожланиш сиёсатларига ва туризмни тартибга солишга эътибор қаратади [24]. Осиё эса, транспорт ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари билан дуч келмоқда, бу эса катта инвестицияларни талаб қилади [3]. Скандинавия эса экологик стандартларнинг қатъий ижроси ва халқаро барқарорлик мезонларини (GSTC) кенг жорий қилиш билан ажралиб туради [7]. Ушбу моделларнинг самарадорлигини чуқурроқ тушуниш учун ҳар бир моделнинг кучли ва заиф томонларини таққослаймиз.

Барқарор туризмни ривожлантириш Европа мамлакатларининг асосий стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Бизнингча, Европа модели нафақат туризмни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, балки унинг экологик ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашга ҳам қаратилган. Бироқ, Европа мамлакатларида туризм билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш учун комплекс сиёсат ва бошқарув механизмлари талаб этилади. Европа модели Ўзбекистон учун ҳам муҳим тажриба бўлиб, мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва барқарорлик тамойилларини жорий этишда фойдали бўлиши мумкин.

Европанинг кўплаб туристик йўналишлари, айниқса, Испания, Италия, Чехия ва Португалия каби давлатлар, туризм оқимининг юқори даражада ўсиши натижасида турли экологик ва ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда:

– аҳолининг ҳаддан ташқари кўплиги ва “овертуризм” – Барселона, Венеция, Лиссабон каби шаҳарларда

ортиқча туристик оқим маҳаллий аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Туристлар оқими жуда юқори бўлиб, шаҳарларнинг инфратузилмаси бундай юklamани кўтаришга қийналмоқда.

– Экологик таъсир ва ресурсларнинг тежамкор эмаслиги – чиқиндиларнинг ошиши, ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши, табиий муҳитга зарар етказиш.

– Худудий номувофиқлик – туристик оқимлар асосан йирик шаҳарларга йўналтирилган бўлиб, қишлоқ худудлари ва кам ривожланган минтақаларда туризм секторига етарлича эътибор берилмаяпти [24].

Европа Иттифоқи барқарор туризмни ривожлантириш учун бир қатор стратегик дастурларни амалга оширмоқда:

– “EU Sustainable Development Track by 2030” – Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган стратегия бўлиб, у барқарор ривожланиш ва туризм секторидagi экологик юklamани камайтиришга қаратилган. Ушбу стратегиядан Ўзбекистон ҳам

фойдаланиши мумкин, айниқса, экотуризм ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича [24].

– Европа Иттифоқининг туризм режаси – асосий мақсад туризм секторидa рақобатбардошликни ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлашдир. Дастур Европа давлатларини ижтимоий, иқтисодий ва экологик талабларга мувофиқ туризмни ривожлантиришга ундайди [10].

– Махсус туризм сиёсатлари – Германия, Франция ва Нидерландияда экологик туристик лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган махсус давлат дастурлари мавжуд. Масалан, Францияда шаҳар марказларида жамоат транспортдан фойдаланишни тарғиб қилувчи қонунлар қабул қилинган [10].

Европа давлатлари туризм соҳасида барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида тизимли ёндашувни қўлламоқда, бу эса экологик ҳимоя, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий масъулиятни ўз ичига олади. Европа Иттифоқи мамлакатларида барқарор туризмни қўллаб-қувватлаш сиёсати қўйида жадвалда акс этган.

1-жадвал.

Европа Иттифоқида барқарор туризм сиёсати тузилмаси

Йўналиш	Сиёсий стратегия	Мақсад	Натижалар
Экологик ҳимоя	EU Sustainable Development Track by 2030	Экологик барқарорликни таъминлаш	Чиқиндиларни камайтириш
Бошқарув ва сиёсат	ЕС туризм режаси	Туризмнинг рақобатбардошлигини ошириш	Туристик инфратузилмани яхшилаш
Глобал стандартлар	GSTC қоидалари	Барқарор туризм мезонларини жорий қилиш	Халқаро стандартлар асосида бошқарув

Европа модели туризмни иқтисодий самарадорлик билан бирга, экологик ва ижтимоий барқарорликка ҳам йўналтирган. Ўзбекистон учун мазкур тажрибанинг айрим элементларини қўллаш муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, хусусан, маҳаллий туристик худудларни муҳофаза қилиш, экологик стандартларни татбиқ этиш ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш каби йўналишлар мамлакатимиз туризм

сектори ривожни учун фойдали бўлиши мумкин.

Осиё мамлакатларида барқарор туризм моделини шакллантиришда энг катта муаммолардан бири – паст даражадаги туристик инфратузилмадир. Транспорт, меҳмонхона ва сервис инфратузилмасини такомиллаштириш барқарор туризм ривожланишининг асосий шарти ҳисобланади [3]. Масалан, кўплаб Жануби-шарқий Осиё давлатларида ички ва халқаро туристлар учун қулай транспорт тизими мавжуд эмаслиги сайёҳларнинг мамлакат ичида эркин ҳаракатланишини чеклайди. Бу эса нафақат туристик оқимларнинг камайишига, балки иқтисодий имкониятларнинг чекланишига ҳам олиб келади.

Шу билан бирга, айрим давлатларда (Ҳиндистон, Индонезия, Вьетнам) йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган давлат ва хусусий сектор лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бирок, бу жараён қатор муаммоларга дуч келмоқда, жумладан, молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ва лойиҳаларни узоқ муддатда амалга ошириш зарурияти.

Туризм соҳаси ривожланиши молиявий глобаллашув ҳам таъсирланмоқда. Халқаро инвестициялар туристик объектлар инфратузилмасини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга [2]. Хусусан, Осиё-Тинч океани минтақасида International Public Sector Accounting Standards (IPSAS) стандартларининг жорий этилиши хорижий инвестицияларни жалб қилишда шаффофлик ва ҳисобдорликни оширган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун бу тажриба жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки мамлакатда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш учун халқаро инвестицияларни жалб қилиш

муҳим ҳисобланади. Хусусан, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларнинг жаҳон туристик бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун уларнинг инфратузилмасини яхшилаш талаб этилади. Бу борада Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг инвестиция тажрибасини ўрганиш самарали бўлиши мумкин.

Осиё давлатларининг барқарор туризм моделлари Европа ва Скандинавия давлатларига нисбатан бошқача хусусиятга эга. Бу эса маданий ва тарихий мероснинг туризмда марказий ўрин тутиши билан боғлиқ. Осиё мамлакатларида туризм ривожланиши анъанавий маданият, тарихий объектлар ва маҳаллий урф-одатларни сақлаб қолиш билан уйғунлаштирилган [7].

Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож-Маҳал ёки Камбоджадаги Ангкор-Ват каби объектлар нафақат туристик даромад манбаи, балки маданий бойликни сақлаб қолиш воситаси ҳам ҳисобланади. Аммо, бу ерда катта муаммо мавжуд: оммавий туризм маданий мерос объектларига зарар етказиш хавфини келтириб чиқаради. Бундан келиб чиқиб, Осиё мамлакатлари кўп ҳолларда тарихий жойларга киришни чеклаш, экологик стандартларни кучайтириш ва маҳаллий жамоаларни жалб қилиш каби стратегияларни қўлламоқда.

Осиёда барқарор туризм моделини шакллантиришда асосий устуворликлар инфратузилмани яхшилаш, молиявий глобаллашув имкониятларидан фойдаланиш ва маданий меросни сақлаш билан боғлиқдир. Европа ва Скандинавия тажрибаларидан фарқли равишда, бу минтақада тарихий ва маданий мерос объектлари туризм ривожланишида асосий роль ўйнайди. Ўзбекистон учун бу модель муҳим аҳамиятга эга, чунки мамлакатда ҳам тарихий туризм устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу

сабабли, халқаро инвестициялар жалб қилиниши, тарихий объектларни ҳимоя қилиш ва инфратузилмани

такомиллаштириш каби масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиши керак.

2-жадвал.

Осиёдаги хорижий инвестицияларнинг барқарор туризм ривожланишига таъсири

Омиллар	Таъсирлар	Мисоллар
Инфратузилмавий инвестициялар	Туризм объектларига кириш осонлашади, транспорт тизими яхшиланади	Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасидаги лойиҳалар
Меҳмонхона ва сервис ривож	Хорижий меҳмонхона тармоқлари хизмат сифатини оширади	Hilton, Marriott ва Accor каби халқаро брендлар кенгайиши
Маданий меросни сақлаш	Тарихий жойлар реставрация қилинади, маҳаллий маданият тарғиб этилади	ЮНЕСКО ва Жанубий Кореянинг Анкор-Ват лойиҳаси
Экологик барқарорлик	Туризм фаолияти экологик стандартларга мослаштирилади	Япониядаги “яшил меҳмонхоналар” ва энергия тежовчи объектлар
Ҳудудий иқтисодий ривожланиш	Туризм маҳаллий иқтисодиётни рағбатлантиради, янги иш ўринлари яратилади	Индонезиядаги Бали туризм инвестиция дастури
Хусусий секторни жалб қилиш	Хусусий сектор давлат билан ҳамкорликда туризмни ривожлантиради	Сингапурдаги давлат-хусусий шериклик асосидаги туристик лойиҳала
Молиявий глобализация таъсири	Хорижий сармоялар жалб қилинади, инвестициявий муҳит яхшиланади	Дубайнинг халқаро инвестицияларга йўналтирилган туризм стратегияси
Рақамли технологиялар ва инновациялар	Туристлар учун қулайликлар ошади, маркетинг стратегиялари кучаяди	Хитой ва Жанубий Кореянинг рақамли туристик хизматлари

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, хорижий инвестициялар нафақат инфратузилмани яхшилашга, балки маданий меросни ҳимоя қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва рақамли технологияларни жорий этишга ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон учун бу тажриба муҳим аҳамият касб этади, чунки мамлакатда барқарор туризмни ривожлантиришда халқаро сармояларни жалб қилиш ва уларни мақсадли йўналтириш зарур.

Скандинавия мамлакатлари (Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия ва Исландия) туризмда барқарор ривожланиш тамойилларини қўллашда дунёнинг етакчи

ҳудудларидан бири ҳисобланади. Улар қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиб, экологик туризмни рағбатлантирмоқда. Лекин бу жараён бир қанча муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Масалан, қайта тикланувчи энергияга асосланган инфратузилмага ўтиш катта инвестиция талаб қилади [16]. Шунингдек, Скандинавия туризм стратегиясини бошқа минтақаларга қўллаш мумкинми ёки у фақатгина мавжуд табиий ресурсларга боғлиқми, деган саволлар ҳам мавжуд [22].

Иқлим ўзгариши ва карбон изини камайтириш мақсадида Скандинавия мамлакатлари туризм инфратузилмасини

“яшил технологиялар” асосида ривожлантиришга йўналтирган. Масалан, Исландия миллий энергия талабининг 87%ини гидроэнергетика ва геотермал энергиядан қоплайди [18]. Бу нафақат туризмга хизмат қилади, балки маҳаллий аҳолининг иқтисодий имкониятларини ҳам кенгайтиради. Шунингдек, экологик меҳмонхоналар ва қуёш энергиясидан фойдаланувчи инфратузилма сайёҳларга жозибadorликни оширади [16].

Скандинавия ҳукуматлари туризм соҳасидаги карбон изини камайтириш мақсадида қатор экологик стандартларни жорий этган. Хусусан, Евроиттифокнинг Global Sustainable Tourism Criteria (GSTC) мезонларига мос келадиган ташаббуслар жорий этилган [9]. Бунда транспорт, меҳмонхоналар ва туристик объектлар “яшил сертификат” талабларига мувофиқ бўлиши керак. Аммо бу стандартларни

сақлашга сарфланадиган харажатлар юқори бўлгани сабабли, кичик ва ўрта бизнес вакиллари бу сиёсатга танқидий муносабатда [8].

Ўзбекистон ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Скандинавия модели – муҳим ўрганиш ва тадбиқ этиш мумкин бўлган тажриба. Масалан, сайёҳлик объектларида қуёш панелларидан фойдаланиш ёки гидроэнергетикага инвестиция киритиш мамлакатимизда ҳам амалий аҳамият касб этиши мумкин. Бироқ, табиий ресурслар ва иқтисодий ривожланиш даражаси фарқли эканлиги сабабли, бу моделни тўғридан-тўғри қўллаш мумкин эмас. Шунинг учун, Ўзбекистонга мослаштирилган, регионал шароитларга йўналтирилган ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим [17].

3-жадвал

Скандинавия туризм секторида қайта тикланувчи энергия манбалари улуши

Мамлакат	Қайта тикланувчи энергия улуши (%)	Асосий манбалар	Туризмда қўлланилиши
Исландия [18]	87	Гидроэнергетика, геотермал энергия	Меҳмонхоналар, термал курортлар
Норвегия [27]	98	Гидроэнергетика, шамол энергияси	Экологик меҳмонхоналар, транспорт
Швеция [28]	63	Биомасса, шамол, гидроэнергетика	Қуёш панелли меҳмонхоналар
Дания [26]	81	Шамол энергияси, биогаз	Электр автобуслар, “яшил” меҳмонхоналар
Финляндия [28]	41,8	Биомасса, шамол, гидроэнергетика	Экологик саёҳатлар ва инфратузилма

Скандинавияда барқарор туризмни ривожлантириш қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган ва бу жараён экотуризмнинг барқарорлигига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу модел юқори инвестиция талаб қилиши ва кичик бизнес

учун юклама бўлиши мумкинлиги сабабли, бошқа мамлакатларда тўғридан-тўғри тадбиқ этилиши қийин. Ўзбекистон учун энг мақбул ёндашув – мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ва қўшимча барқарор технологияларни жорий

этишдир.

Европа, Осиё ва Скандинавиядаги барқарор туризм моделларини солиштириш шундан далолат берадики, ҳар бир моделнинг ўзининг кучли ва заиф томонлари мавжуд. Европанинг модели қатъий экологик сиёсат ва *EU Sustainable Development Track by 2030* каби барқарор ривожланиш дастурларига таянади [24]. Бироқ оммавий туризм муаммоси Испания, Италия ва бошқа машхур сайёҳлик йўналишларида экологик юкни кучайтириб, табиатга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Осиёда эса туризм инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Маданий мерос ва туризм салоҳияти юқори бўлишига қарамай, транспорт ва сервис соҳасида инвестиция камлиги *барқарор туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда* [3]. Шунга қарамай, халқаро инвестициялар орқали инфратузилмани такомиллаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш имконияти бор.

Скандинавия модели эса барқарор туризмда энг муваффақиятли деб ҳисобланади. Бу минтақа қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва қатъий экологик стандартларни жорий этиш орқали юқори даражадаги барқарорликка эришган [7]. Бироқ бу модель юқори молиявий харажатларни талаб қилади, бу эса ривожланаётган давлатлар учун қийинчилик туғдириши мумкин. Шу билан бирга, Скандинавия тажрибаси Ўзбекистон каби мамлакатлар учун маълум даражада қўлланилиши мумкин, айниқса, зиёрат туризмнинг экологик барқарорлигини таъминлаш борасида.

Жаҳон миқёсидаги *Global Sustainable Tourism Criteria (GSTC)* каби ташаббуслар турли худудларда барқарорликни таъминлаш учун самарали

йўл топишда муҳим роль ўйнайди. Улар орқали туризм соҳасида экологик ва иқтисодий манфаатларни мувозанатлаштириш мумкин. Ўзбекистон ҳам бу моделлардан керакли тажрибаларни олиб, ўзининг туризм стратегиясини шакллантириши зарур.

ХУЛОСА.

Хулоса қилиб айтганда, барқарор туризм моделларини таҳлил қилиш Европа, Осиё ва Скандинавия мамлакатларида туризмни ривожлантиришнинг ҳар хил ёндашувлари мавжудлигини кўрсатди. Европада экологик стандартлар қатъий бўлса-да, оммавий туризм муаммоси ҳал этилмаган. Осиёда эса инфратузилма ва инвестиция етишмовчилиги мавжуд, бироқ халқаро инвестициялар бу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади. Скандинавия модели энг барқарор деб ҳисобланади, лекин уни амалга ошириш юқори харажатларни талаб қилади.

Асосий чақириқлар қаторида экологик мувозанатни сақлаш, инфратузилмани такомиллаштириш ва маҳаллий ҳамжамиятларни туризм бошқарувига жалб қилиш зарур. Шу билан бирга, халқаро барқарорлик стандартларини жорий этиш, хусусан, *Global Sustainable Tourism Criteria (GSTC)* талабларини маҳаллий шарт-шароитларга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир минтақанинг ўзига хос муаммо ва афзалликлари борлиги сабабли, турли моделларнинг самарали жиҳатларини бирлаштириш мумкин. Европа ва Скандинавия тажрибасидан экологик стандартлар ва давлат қўллаб-қувватлови, Осиё моделидан эса инфратузилмага йўналтирилган сармоявий ёндашувлар ўзлаштирилиши мумкин. Бу ёндашув Ўзбекистонда барқарор туризмни ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. AL-Jawahry, B., Mahdi, M., Al-Fatlawi, Q., & Almagtome, A. (2022). The impact of ipsas adoption on sustainable tourism development: a cross country analysis. *Polish journal of management studies*, 25(2).
2. Badoc-Gonzales, B. P., Mandigma, M. B. S., & Tan, J. J. (2021). Resilience and sustainability interventions in selected Post-Haiyan Philippines: MSMEs perspective. *International Journal of Disaster Risk Reduction*, 57, 102162.
3. Bazargani, R. H. Z., & Kiliç, H. (2021). Tourism competitiveness and tourism sector performance: Empirical insights from new data. *Journal of Hospitality and Tourism Management*, 46, 73-82.
4. Bizzarri, C., & Micera, R. (2024). Regenerative Tourism: New Perspectives for Italian Inland Areas. In *Managing Natural and Cultural Heritage for a Durable Tourism* (pp. 189-201). Cham: Springer Nature Switzerland.
5. Broegaard, R. B., Bogason, Á., & Karlsdóttir, A. (2022). Planning for a more sustainable tourism? A Pan-Nordic analysis of regional tourism strategies for rural areas. In *Tourism Planning and Development in Western Europe* (pp. 127-141). GB: CABI.
6. Carić, H. (2018). Perspectives of greening tourism development—the concepts, the policies, the implementation. *Tourism: An International Interdisciplinary Journal*, 66(1), 78-88.
7. Caust, J., & Vecco, M. (2017). Is UNESCO World Heritage recognition a blessing or burden? Evidence from developing Asian countries. *Journal of Cultural Heritage*, 27, 1-9.
8. Chen, S., Paramaiah, C., Kumar, P., Khan, S., & Haomu, Q. (2025). Toward sustainable tourism: Insights from green financing and renewable energy. *Energy Strategy Reviews*, 57, 101618.
9. Della Volpi, Y., & Paulino, S. R. (2018). The sustainability of services: Considerations on the materiality of accommodation services from the concept of life cycle thinking. *Journal of Cleaner Production*, 192, 327-334.
10. Estol, J., & Font, X. (2016). European tourism policy: Its evolution and structure. *Tourism Management*, 52, 230-241.
11. Fang, L., Hu, B., & Sher, F. (2024). Renewable energy consumption—financial globalization-tourism nexus with nonlinearity and cross-sectional dependence during Asia's carbon-free transition. *Environmental Science and Pollution Research*, 31(12), 18435-18447.
12. Fredman, P., Haukeland, J. V., Tyrväinen, L., Stensland, S., & Wall-Reinius, S. (2021). Nature-based tourism in a Nordic context. In *Nordic perspectives on nature-based tourism* (pp. 2-15). Edward Elgar Publishing.
13. Kotlyarova, O. A., Nekhoroshikh, N. A., Povalyaeva, O. N., & Strelnikova, M. A. (2020). Inclusive tourism as a factor of sustainable development of the territories. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 208, p. 05011). EDP Sciences.
14. Kürüm Varolgüneş, F., Varolgüneş, S., del Río-Rama, M. D. L. C., & Durán-Sánchez, A. (2023). A proposal for the selection of green building standards through the analytical hierarchy process (AHP): a roadmap for green hotels in Turkey. *Quality & Quantity*, 1-25.
15. Papadopoulos, I., Trigkas, M., Papadopoulou, A., Mallisiova, A., & Mpakogiorgou, F. (2019). Greek consumers' awareness and perceptions for green hotels and green furniture.



In *Strategic Innovative Marketing and Tourism: 7th ICSIMAT, Athenian Riviera, Greece, 2018* (pp. 583-592). Springer International Publishing.

16. Li, J., & Cao, B. (2024). Resources policies for solar development and eco-tourism expansion in emerging economies. *Resources Policy*, 88, 104460.
17. Magazzino, C., Toma, P., Fusco, G., Valente, D., & Petrosillo, I. (2022). Renewable energy consumption, environmental degradation and economic growth: the greener the richer?. *Ecological Indicators*, 139, 108912.
18. Ólafsdóttir, R., & Sæþórsdóttir, A. D. (2019). Wind farms in the Icelandic highlands: Attitudes of local residents and tourism service providers. *Land Use Policy*, 88, 104173.
19. Pai, C. H., Zhang, Y., Wang, Y. L., Li, K., & Shang, Y. (2025). Current challenges and opportunities in cultural heritage preservation through sustainable tourism practices. *Current Issues in Tourism*, 1-19.;
20. Thi, H. N., Thi, T. N., Trong, T. V., Duc, T. N., & Nghi, T. N. (2024). Sustainable tourism governance: A study of the impact of culture. *J. Gov. Regul*, 13(2).
21. Chong, K. Y., & Balasingam, A. S. (2019). Tourism sustainability: Economic benefits and strategies for preservation and conservation of heritage sites in Southeast Asia. *Tourism Review*, 74(2), 268-279.
22. Qamruzzaman, M. (2025). Unlocking the nexus: Tourism, clean energy, innovation, and environmental sustainability in the top 20 tourist nations. *Sustainability Analytics and Modeling*, 5, 100037.
23. Santander, E. (2019). Fostering sustainability and competitiveness in European tourism. *Worldwide Hospitality and Tourism Themes*, 11(6), 647-651.
24. Seraphin, H., Yallop, A. C., Smith, S. M., & Modica, G. (2021). The implementation of the Principles for Responsible Management Education within tourism higher education institutions: A comparative analysis of European Union countries. *The International Journal of Management Education*, 19(3), 100518.
25. Ziełńska, A. (2008). European Union funds for sustained tourism. *Journal of Scientific Papers Economics & Sociology*, 1(1), 1-8.
26. https://en.wikipedia.org/wiki/Renewable_energy_in_Denmark#:~:text=Denmark%20is%20a%20leading%20country,electric%20power%20production%20from%202030.
27. <https://www.iea.org/reports/norway-2022/executive-summary>
28. <https://www.statista.com/topics/10734/renewable-energy-in-sweden/#:~:text=Renewable%20energy%20capacity%20in%20Sweden,total%20energy%20consumed%20in%202021>.
29. <https://www.treasuryfinland.fi/annualreview2022/energy-consumption-statistics/>